

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI AДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**101** «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул
қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1905-1*

(2010 йил 9 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги ПФ–4191-сон «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 мартдаги ПҚ–1293-сон «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга асосан, **бўюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 14 февралдаги 42-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 1905, 2009 йил 14 февраль) билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатига олинсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) ва Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий аҳборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Каньязов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. МУҲИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 30 март,
66-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2010 йил 30 мартдаги
66-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

**Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбек тилидаги матннинг 45-банди биринчи хатбошисидаги «1,2» рақами «1,5» рақами билан алмаштирилсин.
2. 55-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 майдаги ПҚ–1293-сон «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 9-сон, 67-модда) қарорига мувофиқ рақобатни бевосита ёки билвосита чеклаши ва монополияга қарши қонун ҳужжатлари принципларини бузиши мумкин бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида мажбурий тартибда дастлабки экспертизадан ўтказилади».